



Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар
университети Бошқарув Кенгашининг 2022
йил 10 майдаги №2-сон йиғилиш баёни билан
тасдиқланган

**Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик
ва биотехнологиялар университетининг ўрта ва узоқ
муддатли стратегик ривожлантириш**

ДАСТУР

Самарқанд – 2022

“СДВМЧБУ” НИНГ ЎРТА ВА УЗОҚ МУДДАТГА МУЛЖАЛЛАНГАН ТРАНСФОРМАЦИЯ СТРАТЕГИЯСИ

Умумий коидалар, “СДВМЧБУ”да трансформацияни амалга оширишнинг зарурияти ва мақсадларини асослаш

Ўзбекистон олий таълим тизимининг трансформацияси мамлакатимизда ва бутун жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга зарур ва мутаносиб жавобдир. Глобаллашув шароитида университетнинг роли мамлакатда инсон капиталини яратиш ва кўпайтиришдир. Бу эса мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида рақобатбардошлигини оширади. Ўзбекистон жаҳон таълим маконининг реалликларига интеграция қилиш зарурлигини эътироф этади, яъни таълим хизматларининг эркин рақобатдош маконига кириб бормоқда. Бинобарин, университетлар глобал таълим бозорининг тенденциялари билан ўзаро боғланиш сари қайта йўналмоқда. Бунда ўз навбатида, академик инқилоб туфайли юзага келадиган, таҳлиллар натижаларига кўра жаҳон тараққиётини характерлайдиган ўзаро қарама-қарши фундаментал таркибий қисмлардан иборат жараёнлар юз бермоқда:

1) оммавийлашиш - орасида тайёргарлик даражаси паст бўлган абитуриентлар (айниқса, ветеринария, чорвачилик, биотехнология, агротехнология, агроиқтисодиёт ва шу билан боғлиқ соҳаларда) катта қисмини ташкил этувчи талабалар сонининг кўпайишига олиб келади, бу эса ўз навбатида университетлар ва илмий-педагогик ходимлар фаолиятининг ўртача кўрсаткичларини пасайтиради;

2) глобал билимлар иқтисодиёти - ғояларнинг глобал айланиши ва меҳнат тақсимооти тизимининг янги занжирларига киришиб кетишга тайёр бўлган истеъдодли мутахассисларга бўлган талабларнинг ортиши.

Академик фаоллик давлатдан таълим соҳасидаги тегишли сиёсатда ислохатларни амалга оширишни талаб қилади. Университетлардан эса ушбу сиёсатни амалга ошириш доирасидаги ўзига хос анъаналари ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз-ўзини бошқариш йўлини танлашни талаб қилинади. Ўзбекистонда олий таълим соҳасидаги давлат сиёсати институционал тамойил асосида амалга оширилади. Бошқарув ва ривожланиш объектлари эса алоҳида таянч ОТМлари, минтақавий етакчи ОТМлар ва бошқа ОТМлар ҳисобланади.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети (“СДВМЧБУ”) олий ўқув юртлари тизимидаги асосий соҳавий таянч ОТМлари тоифасига киради. “СДВМЧБУ” ўзининг қарийиб 100 йиллик анъаналари, ҳамда ветеринария, чорвачилик, биотехнология, агротехнология, атроф муҳит. кишлоқ хўжалиги. ер ресурслари муҳанлислик (ветеринария

ветеринария санитария экспертизаси, ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари, ветеринария фармацевтикаси, зооинженерия (турлари бўйича), ветеринария биотехнологияси, чорвачилик биотехнологияси, ўсимликлар биотехнологияси, ўсимликшунослик, ем-хашак етиштириш, механизация, атроф-муҳит, электрлаштириш ва автоматлаштириш), агроиқтисодиёт ва бухгалтерия ҳисоби соҳаларидаги илғор таълим ва илмий дастурлари билан минтақада тан олинган академик университети ҳисобланади. Ҳозирги ҳолатда, дунёдаги йирик анъанавий университетлардан фарқли ўлароқ “СДВМЧБУ” учун, ихтисослашган университет сифатида, моддий ва инсон ресурсларининг нисбатан чекланганлиги туфайли замонавий ва энг илғор дунё амалиётларининг талаблари ва мезонларига тўлиқ жавоб бериши бир оз мураккаб бўлсада келгусида ижроси таъминланади.

Бугунги кунда “СДВМЧБУ” - юқори истиқболли мақсадларни кўзлаган, ОТМларнинг етакчи дунё рейтингларига киришга даъвогарлик қилаётган, иқтисодий трансформация муаммоларини ҳал қилишга киришган ҳамда ўзини глобал аренада “Ихтисослашган олий таълим, фан ва инновациялар маркази” сифатида кўраётган университетдир. Университет янги шароитларда ўз миссияси ва ролини амалга ошириш устида фаол иш олиб бормоқда. Бугун “СДВМЧБУ” олдида турган, ходимларнинг инертлиги, илмий-педагогик ходимларларнинг катта қисмида ўзгаришларга бўлган мотивациянинг нисбатан сустлиги, моддий-техник ва молиявий ресурсларнинг чекланганлиги, айрим ўқув ва илмий лаборатория воситаларнинг маънан эскирганлиги каби муаммо ва қийинчиликлар университетдаги асосий жараёнларни тубдан трансформация қилишни тақозо этмоқда. Ҳозирги кунда ОТМ сиёсатига ҳамда илмий-педагогик ходимлар фаолиятига зарурий таъсир кўрсатиш мақсадида, университетнинг манфаатдор томонлар билан яқин ҳамкорликда ишлайдиган бошқарув жамоасини мустақкамлаш долзарб вазифалар қаторига киради.

Бугунги кунда жамиятнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатадиган қатор ўзгаришлар шароитида, таълим жараёнида тайёрланаётган битирувчига меҳнат бозорида талаб катта бўлиши учун, унинг эгаллаши лозим бўлган компетенциялари рўйхатини олдиндан башорат қилиш анча мураккаб. Бинобарин университет ўз ривожига турғунлик эмас, чуқур ўзгаришлар меъёр бўлиши кераклигини яхши англайди. Шунинг учун чуқур таҳлил асосида таълимни ривожлантиришнинг оптимал стратегиялари, шакллари, замонавий усуллари ва инновацион технологияларини излаб топиш устида иш олиб боради. Бунда у ёки бу форматни танлашда талабани бўлажак касбига тайёрлаш учун энг муҳим ва зарурий кўрсаткичларга таяниш талаб этилади.

Бундай кўрсаткичлар қаторига: таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг очиқлик ва жамоада ишлаш қобилиятини талаб қилувчи субъект-субъект доирасидаги ўзаро ҳамкорлиги, когнитив

фаолиятга шахсий муносабатнинг бўлиши, ижодий лойиҳалаш ва фаолият алгоритмининг бирлиги, мақсадлар, вазифалар, воситалар ва натижаларнинг ўзаро боғланганлиги, олинган натижаларда талабалар ва профессор-ўқитувчилар ўрнининг доимий равишда акс эттирилиши ва диалогли позицияга эга бўлиш киради.

“СДВМЧБУ” юқори мақом ва халқаро рейтингларда етакчилик ўринларига даъвогар университет сифатида, элита таълим зоналарини яратади. “Абитуриентлар базаси” ёки элита лицейларни янада ривожлантириш, кейинчалик ривожланиш нуқталари сифатида абитуриентлар тайёрлаш фабрикасига айланадиган Элита таълим зоналарини яратишнинг мумкин бўлган ва эҳтимолий йўналиши сифатида белгиланади.

Университетда элита таълим йўналишининг очилиши ва унга қабул қилиш, ўқитиш ва бошқа шарт-шароитлар яратиш мезонларининг ишлаб чиқилиши, бундай дастурни амалга оширишда бевосита иштирок эта оладиган илмий-педагогик ходимлар ва талабгорларнинг малакасини шакллантириш бўйича ишлар олиб боришдан бошланади.

Ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда касбга йўналтириш - абитуриентлар орасида университетнинг жозибдорлигини ошириш ва талабалар таълими сифатини оширишнинг яна бир йўналиши ҳисобланади. Университетнинг ушбу йўналишдаги ривожланишни таъминлашда қуйидаги механизмлардан фойдаланилади:

- профессор-ўқитувчилар томонидан таълим жараёнига дунёнинг етакчи мутахассислари ва университетларида яратилган интернет курсларни киритиш;

- соҳанинг етакчи мутахассисларини семинар ва конференцияларда онлайн иштирок этишларини таъминлаш;

- университетнинг етакчи ва манфаатдор профессор-ўқитувчилари томонидан мультимедиа курсларни яратиш.

Ушбу йўналиш доирасида яратилган курсларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири - бир нечта фанлар бирлигида фанлараро курсларни яратиш бўлиши мумкин.

Трансформация жараёнлари албатта магистратура ва докторантура даражасидаги фаолиятга ҳам таъсир кўрсатади. Бу бўғиндаги ўзгаришлардан бири магистратура дастурининг профессионал ва академик йўналишларга бўлинишидир. Шу билан бирга, профессионал магистратурани буюртма асосида ва манфаатдор томонларнинг бевосита иштирокида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бу масаладаги ўзгартиришлар юзасидан яқин келажакда меъёрий ҳужжатлар яратилиб, узоқ келажакда эса фаолиятни амалга оширилиши режалаштирилади.

Академик йўналишдаги магистратура учун фақат тадқиқот йўналиши билан боғлиқ бўлган фаолиятлар турларини танлаш, фаолият принципи ва таълим жараёнига фанлараро ёндашув

имкониятларини яратиш мақсадга мувофиқ.

“СДВМЧБУ” да трансфер жараёнларини ривожлантиришга босқичма-босқич, махсус стратегияга асосланган ёндашув қўлланилади. Қуйида трансфер жараёнларини ривожлантиришнинг яқин ва узоқ муддатга мўлжалланган мақсадли стратегиясининг асосий қисмлари лойиҳаси келтирилган.

I. Университет трансфер жараёнларини ривожлантиришнинг истиқболли Стратегик режаси

1.1. Мақсадли Стратегик режанинг тавсифи

“СДВМЧБУ” - қарийб бир асрлик тарих ва анъаналарга эга олий таълим муассасаларидан бири бўлиб, у 1929 йилда Самарқанд зооветеринария ва Самарқанд пахтачилик институтлари негизида ташкил этилган. Бугунги кунда амалга оширилаётган трансфер жараёнлари аслида глобаллашув шароитида жаҳон фани ва олий таълимга интеграциялашув жараёнида университет ривожланишининг янги босқичидир.

“СДВМЧБУ”нинг **Миссияси** - илғор ветеринария ва чорвачилик соҳаси салоҳиятини ривожлантириш учун билимларни яратиш, ривожлантириш, тарқатиш ва тадқиқ этиш, иқтисодий муносиб ветеринар, чорвадор, биотехнолог ва илмий-тадқиқотчи ходимлар билан таъминлаш, шунингдек, илм-фан, таълим ва инновацияларнинг чуқур интеграцияси асосида Марказий Осиё имижини мустаҳкамлашдан иборат.

“СДВМЧБУ”нинг **стратегик мақсади** рақамли иқтисодийга интеграциялашган илғор илмий, таълим ва инновациялар кластерини шакллантиришдан иборат бўлиб, унинг ядросини дунё даражасидаги илмий-тадқиқот ва Интеллектуал марказлар қаторига кирувчи университет ташкил этади.

“СДВМЧБУ”нинг **истиқболли нигоҳи** - Юқори академик репутация ва ОТМларнинг халқаро рейтингларида етакчи мавқеларга эга бўлган ва асосий тавсифлари қуйида келтирилган дунё даражасидаги университет бўлишга қаратилган:

- Илғор тадқиқотлар (Advanced Research).
- Сифатли таълим (High Quality Education)
- Юқори малакали кадрлар (Expert Personnel).
- Ривожланган инновацион экотизим (Innovative Ecosystem).

“СДВМЧБУ”нинг 2022 йилдаги истиқболли нигоҳи Университет 3.0 моделига мос келади ва унинг аста секин Университет 4.0 моделига ўтиши учун бошланғич майдон сифатида хизмат қилади.

“СДВМЧБУ”нинг **шиори** – Тиббиёт инсонни даволайди, ветеринария тиббиёти эса инсониятни асрайди

“СДВМЧБУ”нинг ўрта ва узоқ муддатли стратегији режасининг ўрта муддатга (2022-2026 йй) мўлжалланган асосий йўналишлари
Бугунги куннинг глобал муаммоларидан бири - бу инсон саломатлиги барқарорлигини таъминлашдир. Ўзбекистонда ветеринария ва чорвачилик бутун Ўрта Осиё минтақасининг барқарор ривожланишида марказий ўринни эгаллайди, ҳамда минтақада озиқ-овқат хавсизлиги, атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлашдаги асосий омилларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётнинг ветеринария, чорвачилик, қишлоқ хўжалик, атроф-муҳит ва улар билан боғланган турли соҳаларининг барқарорлиги - нафақат БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган марраларга эришишга, балки минтақавий барқарор тараққиётга ва алоҳида давлатларнинг миллий дастурлари ва ривожланиш стратегияларини амалга ошириш самарадорлигига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

“СДВМЧБУ”даги мавжуд салоҳият ва университет ходимларининг интеллектуал, илмий, ўқув ва технологик компетенциялари барча саъй-ҳаракатларни барқарор ривожланишдаги хавфсизлик муаммоларини ҳал этишга қаратиш имконини беради.

Юқорида таъкидланган муаммолар ва университетнинг олдида турган долзарб вазифаларнинг миқёси ва хилма-хиллигини ҳисобга олиб, ўрта муддатли даврда (2022-2026 йй.) **“СДВМЧБУ”** ўз саъй-ҳаракатларини қуйидаги асосий фанлараро илмий ва таълим йўналишларига қаратади:

- ноаниқликлар шароитида ветеринария ва чорвачиликни барқарор бошқаришнинг илмий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш;

- инсон ва ҳайвонлар учун умумий бўлган ўта хавфли (зооантропоноз) касалликларни олдини олишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ресурстежамкор инновацион технологияларни яратиш, такомиллаштириш ва жорий этиш;

- чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик маҳсулотларини қайта ишлашда ресурстежамкор инновацион технологияларни яратиш, такомиллаштириш ва жорий этиш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда ресурстежамкор инновацион технологияларни яратиш, такомиллаштириш ва жорий этиш;

- истеъмол бозорида чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини хавфсизлигини таъминлашнинг инновацион технологияларни яратиш,

- машина ва технологик ускуналарни модернизация қилиш, уларни эксплуатация қилиш, таъмирлаш шунингдек ресурсларини тиклаш ишлари самарадорлигини ошириш;

- энергия самарадорлик ва агросаноат комплексида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш техникалари ва технологияларни такомиллаштириш ва жорий этиш.

Ушбу вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири университетда илғор илмий-техник базанинг, талаб қилинадиган рақобатбардош инсон ресурслари ва 4.0 "рақамли" ишлаб чиқариш билан чуқур интеграциянинг мавжуд бўлиши ҳисобланади. Бу шуни англатадики, университетнинг илмий тадқиқот ва ветеринария, чорвачилик ва унга боғлиқ соҳаларнинг етакчилари бўлган корхоналарга мўлжалланган тадқиқотлар ва ишланмалар асосий ўринни эгаллаши лозим.

Университет амалиётида буюртмачи-корхоналарнинг манфаатига қаратилган, махсус "кадрлар пакети"ни тайёрлашни ҳам кўзда тутувчи, янги илмий тадқиқот маҳсулотларини яратиш бўйича шартномаларни кенгайтириш лозим. Бу университет ҳамкорлигида янги, унинг ишлаб чиқариш корхонаси билан "инновацион белбоғ"ини кўзда тутувчи ташкилий-ҳуқуқий шаклларни яратиш ва синаб кўриш имконини беради.

Стратегик режанинг биринчи босқичида (ўрта муддат 2022-2026 йй) университетнинг таълим фаолиятида асосий эътибор ҳам мазмун жиҳатидан (фанлараро тадқиқотлар асосида) ҳам таълим *технологиялари* бўйича таълимнинг барча босқичларида (бакалаврият-магистратура-олий таълимдан кейинги таълим) "рақамли" трансформациядан иборат бўлиши лозим.

Университетнинг таълим фаолиятининг асосий натижаси - Ўзбекистонда олий таълим тизимини ривожлантириш концепциясида белгиланганидек, глобал иқтисодиёт шароитида муваффақиятли фаолият кўрсатиш ва ривожланишга қодир бўлган битирувчилар бўлиши лозим.

Шундай қилиб, Стратегиянинг биринчи босқичини (ўрта муддатга мўлжалланган 2022-2026 йй) асосий мақсади "СДВМЧБУ" ни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашган рақобатбардош дунё даражасидаги университетга айлантиришдир.

Дунё даражасидаги эътирофга эришиш учун "СДВМЧБУ" да глобал муаммолар ва мураккабликларнинг илмий ечимига қаратилган тадқиқот ва изланишларни олиб бориш, таълим сифати ва рақобатбардошлигини ошириш интеллектуал фаолият натижаларини

жорий этиш ва тижоратлаштиришни ривожлантириш, университетни таълим хизматлари, илмий ва ветеринария хизматлари ҳамда меҳнатни ихтисослашган бозорларида фаол тарғиб қилиш керак бўлади.

Университет Стратегик режасининг биринчи босқичида (ўрта муддат 2022-2026 йй) маркетинг стратегияси қуйидагилардан иборат бўлади:

- мақсадли йўналтирилган стратегия (Focused Strategy) - ресурсларни умумлаштириш ва университетни инсониятнинг барқарор ривожланиши масалалари билан боглиқ муаммолари ва мураккаблиklarини етакчи ўринда туришини таъминлаш;

- ҳамкорлик стратегияси (Collaboration Strategy) - етакчи хорижий университетлар, илм-фан ва таълим ҳамда илмий ва юқори технологиялар билан жиҳозланган ташкилотлар билан таълим ва илмий тадқиқотлар йўналишларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва интеграцияни таъминлаш.

“СДВМЧБУ” ўрта ва узок муддатли Стратегик режасининг асосий тавсифлари

1. Илғор илмий тадқиқотлар

2022-2026 йилларда “СДВМЧБУ” ўзининг интеллектуал салоҳияти ва ресурсларини Ҳайвонларда учрайдиган юқумли, юқумсиз ва паразитар касалликлар профилактикаси, Республикамизда мавжуд йирик ва майда шохли ҳайвонларнинг селекцион-генетик потенциалини барқарор ривожлантиришдаги муаммоларнинг илмий ечимларига қаратади. Университет кенгаши томонидан танлаб олинган ва тасдиқланган илмий ва таълим йўналишларининг устуворлигига мувофиқ яратилган Интеллект Марказлари - ИМ (уларнинг турли кўриниши сифатида университетда ташкил этилган “Илмий инновацион даволаш ва диагностик марказ”, “Чорвачилик-наслчилик иши ва озиклантириш маслаҳат маркази”, “Ветеринария клиникаси”, “Илмий-инновацион лабораториялар”, “Марказлар”, “Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти” ва бошқаларни келтириш мумкин), дунё даражасидаги илмий тадқиқотларни олиб борувчи энг самарали илмий (ижодий) жамоаларни ўзида мужассамлантиради. Бундай Интеллект марказларига мисол сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

-ИМ “Ветеринария клиникаси ва касалликлар диагностикаси технопарки”

- “Ветеринария биотехнология” йўналиши

-ИМ “Иммунологик препаратлар биотехнологияси”, “Ветеринария фармацияси”

-“Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги” йўналиши;

-ИМ “Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш”, “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси” йўналишлари;

-ИМ “Доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлаш технологияси” - йўналиши;

-ИМ “Экология ва атроф муҳит муҳофазаси” – “Ипакчилик ва тутчилик” йўналиши;

-ИМ “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш” йўналиши;

-ИМ “Экология” - йўналиши;

-ИМ “Иқтисодиёт” - йўналиши “Аграр инновациялар ва ресурслар”

-ИМ “Ўрмончилик” — йўналиши;

-ИМ “Рақамли иқтисодиёт” йўналиши;

-ИМ “Қишлоқ хўжалиги машиналари” - йўналиши “Рақамли қишлоқ хўжалиги машиналари”;

Интеллект марказлари (ИМ) таркибига кирувчи бирлашмаларнинг таркиби, илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш режаси, ижодий жамоалар аъзолари ва раҳбарлари «СДВМЧБУ» ректори буйруғи билан тасдиқланади. «СДВМЧБУ»да Интеллект марказларининг замонавий интеллектуал ва технологик компетенцияларга эга университет ядроси, инновацион корхоналарнинг маҳаллий сектори, асосий иш берувчиларнинг корпоратив сектори, ҳамкор корхоналарнинг трансмиллий соҳалари (етакчи корхоналар, етакчи университетлар ва илмий-тадқиқот марказларининг глобал тармоғи доирасидаги ҳамкорлари), илмий ва таълим фаолияти билан шуғулланадиган ҳамкорларни уз ичига олган полисфера модели қабул қилинади. Бундай моделнинг амалиётга жорий этилиши келажақда мослашувчан тармоқ тузилмаси ва матрица назорати тизимига эга бўлган самарали Интеллект марказларини автоном ўз-ўзини ривожлантирувчи марказларга айлантириш имконини беради.

Интеллект марказлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари - илмий тадқиқот ва таълим фаолияти кўламини, молиявий барқарорликни, нашр фаолиятини баҳолаш, етакчи хорижий олимларни жалб қилиш, хорижий етакчи олий ўқув юртлари билан қўшма илмий лойиҳалар ва таълим дастурларини амалга ошириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий- инновацион лойиҳаларни амалга оширишга талабалар ва докторантларни жалб қилиш, ҳамда интеллектуал мулк объектларини яратиш ва тижоратлаштириш кабиларни ўз ичига олади.

Матрицани бошқариш тузилмаси молиявий мустақиллик ва академик автономияни таъминлайдиган тадқиқот ва таълим

лойиҳалари даражасида қўлланилади. Илмий-тадқиқот лойиҳалари амалга оширилади, қоида тариқасида, илмий раҳбар сифатида юқори илмий метрик кўрсаткичларга эга таниқли олимлар тайинланади, уларга молияни мустақил бошқариш ва жамоани шакллантириш ҳуқуқи берилади. Бу маълум даражада автономияни таъминлайди ва университетнинг ҳар қандай бўлими ва лабораториясининг, шунингдек, интеграция бўйича ҳамкорларнинг, шу жумладан хорижий университетлар ва илмий-тадқиқот марказларининг интеллектуал потенциаллари ва технологик компетенцияларини жалб қилиш имконини беради. Ташкил этилган ва ривожлантирилади Интеллект марказлари келгусида Миннесота университетида (АҚШ) қўлланиладиган илмий-тадқиқот институти мисолидаги каби ривожланиш асосини яратади.

Матрицани бошқариш тузилмаси жаҳон миқёсидаги илмий натижалар ва юқори нашр этиш фаоллигини таъминлайдиган идоралараро тадқиқотларни самарали амалга ошириш учун Университетнинг инсон ва моддий-техник ресурсларини жамлаш ва мослашувчан шароитни шакллантириш имконини беради.

Ўрта муддатли стратегик режа бўйича 2025 йилга бориб нашр этиш фаоллиги кўрсаткичларининг қуйидаги қийматларига эришилади:

-Web of Science ва Scopus базасига кирган журналлардаги нашрлари сони ҳар бир илмий-педагогик ходимга - 2,2 та.

-бир нафар илмий-педагогик ходимнинг илмий ишларига қилинадиган иқтибослар ўртача сони - 6 та.

-хорижий олимлар билан ҳамкорликда нашрларнинг улуши – 14 %.

Узоқ муддатли стратегик режа бўйича 2030 йилга бориб Web of Science ва Scopus базасига кирган журналлардаги нашрлари сони ҳар бир илмий-педагогик ходимга - 2 тадан, бир нафар илмий-педагогик ходимнинг илмий ишларига қилинадиган иқтибослар сони - 20 тани, хорижий олимлар билан ҳамкорликда нашрларнинг улуши - 15%ни ташкил этади.

Университетда илмий-тадқиқот фаолиятининг камида 50 фоизи Интеллект марказларида амалга оширилади.

Интеллект марказлари университет ичидаги ресурсларни жамлашнинг асосий каналлари ва магистратура ва докторантура даражасида ўқув дастурларини амалга ошириш бўғинлари ҳисобланади.

Интеллект марказлари таркибида жаҳоннинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда яратилган лаборатория ва кластерлар фаолият кўрсатади.

Университетда ўтказиладиган прогнозлаш ва таҳлилий тадқиқотлар натижалари асосида юқори нашр этиш кўрсаткичларига эга олимлар раҳбарлигида долзарб муаммоларни ҳал қилувчи янги қўшма марказлар ва етакчи хорижий олий ўқув юртлари, илмий ташкилотлар ва юқори технологияли компаниялар билан қўшма лабораториялар

ташқил этилади.

Самарали фаолият кўрсатаётган Интеллект марказлари университетнинг, ўзида фан ва рақобатбардош таълим дастурлари, замонавий ноёб ускуналарни мужассамлантирган ва кооперация асосида ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлар билан боғланган стратегик академик бўлинмаларига айлантирилади. Илмий марказлар билан ҳамкорликда ва ҳамкор корхоналар манфаатлари йўлида устувор тадқиқотларни ўтказиш буюртмалар ҳажмини ва бюджет дан ташқари даромадлар ҳажмини оширади.

Ўрта муддатли стратегик режа бўйича 2025 йилда илмий-тадқиқот фаолиятининг қуйидаги молиявий кўрсаткичларига эришилади:

- Илмий тадқиқот ва ишланмаларнинг йиллик ҳажми (миллий ва халқаро) 9 миллиард сўмни ташқил этади.
- Хорижий университетлар, илмий ташкилотлар ва компаниялар билан қўшма илмий лойиҳалардаги университетнинг улуши камида 25% ни ташқил этади.

Узоқ муддатли стратегик режа бўйича 2030 йилга бориб илмий тадқиқот ва ишланмаларнинг йиллик ҳажми (миллий ва халқаро) 12 миллиард сўмни, хорижий университетлар, илмий ташкилотлар ва компаниялар билан қўшма илмий лойиҳалардаги университетнинг улуши камида 35% ни ташқил этади.

1. Инновацион технопаркни яратиш

2025 йилга бориб университетда инновацион технопарк - Маркетинг марказини ўз ичига олувчи фан ҳам интенсив тадбиркорликнинг инновацион ва технологик зонаси, университет илмий фаолияти натижаларининг тижоратлаштирилишини таъминлайдиган Технологиялар трансфери марказига эга бўлади.

Университетда технологиялар трансферининг ривожланишида инновацион маҳсулотни бозорга олиб чиқишнинг барча босқичлари қўллаб-қувватланади. Жумладан университетнинг истиқболли илмий-техник ишланмалари бўйича маркетинг тадқиқотлари, университетнинг интеллектуал фаолияти натижаларининг инновацион потенциалини баҳолаш, ҳуқуқий ҳимоясини амалга ошириш, чет эл патентларини олиш, илмий-техник маҳсулотларнинг прототиплари, моделлари ва тажриба нусхаларини яратиш ва уларни тижоратлаштириш фаолиятлари ривожлантирилади.

Ёш илмий кадрларни университетнинг иқтидорли ёшлари, докторантлари ва ёш олимлари фаолиятини ташқил этувчи ва мувофиқлаштирувчи "Иқтидорли ёшлар" бўлими ва кафедралар томонидан илмий, техник ва инновацион фаолиятга кенг миқёсда ва узлуксиз жалб этиш амалга оширилади.

Университет даражасида ёшлар ўртасида илмий-техник ва инновацион танловлар, ёшларнинг илмий анжуманлари, семинарлари ва ийбословларни ташқил этиш ёш тадқиқотчиларнинг илмий ва

хорижий илмий-техник тадбирларда иштирок этишлари - университетда ёш илмий кадрларни бирлаштиришни таъминлайди, илмий-тадқиқот фаолияти обрўсини оширади, иқтисодиёт тармоқлари бўйича малакали кадрларни тайёрлайди.

Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш интеллектуал фаолият натижаларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва ҳар йили 10 дан ортиқ патент ва сертификатлар олинишини таъминлайди.

«СДВМЧБУ» да ишлаб чиқилган инновация технопарки янги ишланмаларни яратиш ва Университет 4.0 моделига ўтиш имкониятига замин яратади.

2. Трансформация шароитида янги таълим

Касб-ҳунар таълимининг сифати ва рақобатбардошлиги, абитуриентлар сифати (*кимни ўқитамиз?*), таълим дастурлари мазмунининг сифати (*нималарни ўргатамиз?*), профессор-ўқитувчиларнинг сифати (*ким ўқитади?*), таълим технологияларининг сифати (*биз қандай ўргатамиз?*), моддий техник ва лаборатория базасининг сифати (*нималар асосида ўргатамиз?*), ижтимоий-маданий муҳитнинг сифати (*райерда ўргатамиз?*) ва иш берувчиларнинг сифати (*кимлар учун ўқитамиз?*) билан белгиланади. Иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилишда энг муҳим масалалар - бу ўқув дастурларининг янги мазмуни ва муҳандисларни ўқитишнинг янги технологиялари, шунингдек мактаб курсисидан бошлаб ветеринария, чорвачилик, биотехнологиялар мутахассисликларини ўзлаштиришга мотивацияни оширишни ўз ичига олади.

Таълимни "рақамлаштириш"нинг янги мазмуни ва технологиялари "Ҳар қандай қилинадиган меҳнат ақл ва илмга асосланиши керак" тамойили бўйича қўшма касбий фаолият орқали компетенцияларни шакллантириш ва жорий этиш тизими доирасида узлуксиз таълим занжири – фан-таълим-ишлаб чиқариш "кластер" ини жорий қилишни талаб этади. Масофавий технологияларни фаол жорий этиш ва электрон ўқитиш усуллари яратилиши лозим. Бунинг учун ёшларни тайёрлаш бўйича янги мақсадли элита таълим дастурларини, шунингдек, таълим дастурларининг янги модулларини етакчи юқори технологияли корхона ва компаниялар билан биргаликда ишлаб чиқиш зарур. Бу эса ҳар бир ўқувчи учун керакли касбий компетенциялар асосида индивидуал таълим траекториясини мослашувчан равишда қуриш имконини беради. Шу билан бирга, бакалаврият босқичида бу фундаментал таълим сифати алоҳида аҳамият касб этади, индивидуал ва мослашувчан магистрлик ва докторлик дастурларини ишлаб чиқишда ҳам, бутун ҳаёт давомида профессионал карьерада ўсишда ҳам профессионал ҳаракатчанлик қобилиятини белгилайди.

борилади. Шу муносабат билан қуйидаги асосий фанлараро илмий йўналишлар ва улар билан боғланган Интеллектуал марказлари магистрлик ва докторлик дастурларининг интеллектуал ва ташкилий асоси сифатида хизмат қилади ҳамда уларнинг мазмун ва моҳиятини белгилаб беради:

- Кинология ва ит касалликлари
- Паррандачилик
- Ҳайвонлар физиологияси ва биокимёси
- Тренинг ва от касалликлари
- Иммунобиологик препаратлар биотехнологияси
- Наслчилик
- Ветеринария фармацевтикаси ишини ташкил қилиш ва бошқариш
- Доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлаш технологияси
- Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича)
- Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
- Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича)
- Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича)
- Ветеринария биотехнологияси
- Ўсимликшunosлик (экинлар гуруҳлари бўйича)
- Агробиотехнология
- Қоракўл қўйлари селекцияси
- Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш ва уларнинг селекцияси (ҳайвонот турлари бўйича)
- Чорвачилик
- Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашнинг анъанавий ҳамда инновацион технологияси ва сертификацияси
- Қоракўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш
- Ҳайвонларга ташхис қўйиш ва даволаш
- Ветеринария жарроҳлиги
- Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси
- Ветеринария акушерлиги ва ҳайвонларнинг кўпайтириш биотехникаси
- Балиқ касалликлари
- Асалари касалликлари
- Парранда касалликлари
- Фавқулodда вазиятларда ветеринария назорати ва жамоат соғлиғини сақлаш
- Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси, микологияси ва иммунологияси
- Ҳайвонларнинг паразитар ва юқумли касалликлари
- Ветеринария санитарияси, ветеринар-санитарлик экспертизаси ва лабораториялик таҳлилларнинг қайта ишлов билимлари

- Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси

Шунга кўра магистратура ва докторантура таълим дастурларини, шунингдек илмий-тадқиқот фаолиятини бошқариш Интеллектуал марказлари орқали матрица асосида амалга оширилади. Шундай қилиб, магистратура ва докторантура талабалари университетда ва/ёки ҳамкор корхоналарда таълим ва тадқиқот (лойиҳавий) фаолиятларни бирлаштирувчи кундузги бўлим талабалари ҳисобланадилар. Бунинг учун талабаларнинг интеграллаштирилган лойиҳа фаолиятини таъминлайдиган мослашувчан ўқув режалари ишлаб чиқилади.

Университетнинг асосий вазифаларидан бири ветеринария, чорвачилик, биотехнология, агротехнология, агроиқтисодиёт тармоқлари бўйича кадрлар тайёрлашнинг бакалаврият, магистратура ва адаптив дастурлари асосида ўқитиш бўйича экспериментал таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишдир. Ушбу иш халқаро илмий ҳамжамият ва иш берувчиларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади.

Стратегияда университетга ўқишга юқори мотивацияга эга бўлган абитуриентларни жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун университетда иш берувчиларнинг фаол иштироки билан касбга йўналтиришнинг турли тадбирларини ўз ичига олган "Абитуриент «СДВМЧБУ»" мақсадли инновацион дастури амалга оширилади.

Магистратурага кирувчиларнинг сифатини ошириш мақсадида университетда махсус мослашувчан масофавий дастурлар кўзда тутилади. Бундай дастур келгусида олий таълимни бакалаврият босқичини Ўзбекистондаги бошқа ва чет эл олий ўқув юртларида битирган энг яхши битирувчиларини тайёрлаш ва янада юқори танлаш имконини яратади.

Буларнинг барчаси электрон таълим муҳитини яратиш, ўқув-услубий мажмуаларни интерактив медиа-кутубхона билан доимий тўлдириш, оммавий онлайн курсларни яратиш ва жорий қилишни талаб этади. Таълимнинг интенсификацияси ва амалиётга йўналтирилган шакллари, масофавий ўқитиш шакллари, жаҳон миқёсида обрў-эътиборга эга бўлган етакчи олимларни маъруза ўқишга таклиф қилиш кенг қўлланилиши университетнинг маҳаллий ва хорижий таълим бозорларида таълим дастурларининг жозибадор бўлишини таъминлашда қўшимча омиллардир.

Рақобатбардошликни ошириш дастурида таълим фаолиятини халқаролаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бунда: хорижий ҳамкор университетлар билан қўшма таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; таълим дастурларининг халқаро оммавий ва касбий аккредитация қилиниши, хорижий талабаларнинг ўқиш учун жалб қилиниши (2025 йилга келиб уларнинг барча талабалар ўртасида улуши 5-6% ни ташкил этади) каби механизмлардан кенг

фойдаланилади. Университетда Инглиз тилида сўзлашув муҳитини яратиш, ҳамкор университетлар билан таълим дастурларини мувофиқлаштириш ва халқаро илмий мобилликни ривожлантириш ишлари давом эттирилади. Қўшимча профессионал таълимнинг таълим хизматлари бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш университет имижига ижобий таъсир кўрсатади. Университет Халқаро ҳамкорлик бўлими ва Интеллектуал марказлари, факультетлар ишларини такомиллаштириш асосида 2025-йилга қадар университетда 5 та қўшма таълим дастурлари амалга оширилади. Бу эса фаолиятнинг ушбу туридан келадиган даромаднинг ошишига олиб келади, молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш орқали университетнинг молиявий барқарорлигини оширади.

3. Юқори малакали ходимлар

Университетнинг кадрлар салоҳиятини яхшилашнинг асосий йўналишларидан бири кафедралар ва марказларда фаолият кўрсатаётган хорижий профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчиларнинг улушини оширишдан иборат бўлади.

2023 йилда халқаро рекрутинг агентликлари билан узоқ муддатли шартномалар тузилади. Интеллектуал марказларининг ҳар бирига чет эл университетлари ва жаҳон миқёсидаги илмий ташкилотлардан камида икки нафардан олим таклиф этилади.

Университет профессор-ўқитувчилар таркиби устувор, биринчи навбатда, ҳайвонлар касалликлари ва биотехнологиясини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича иш олиб борилаётган илмий, олий таълим ва ривожланиш лойиҳалари доирасида илмий-тадқиқотлар билан шуғулланадиган профессор-ўқитувчилардан иборат бўлади.

Ўрта муддатли стратегик режа бўйича университетда 2025 йилга қадар бўлган даврда қуйидаги стратегик марралар белгиланади:

-Профессор-ўқитувчиларнинг умумий сони 500 нафарга яқин, жумладан:

-чет эллик илмий-педагогик ходимларининг улуши 8%дан ортиқ,

-дунё даражасидаги олимлар сони - камида 10 нафар;

-Хирш индекси 5 дан юқори бўлганлар умумий контингентга нисбатан - камида 40 киши;

Узоқ муддатли режада 2030 йилга бориб дунё даражасидаги олимлар сони - камида 60 нафарни, Хирш индекси 5 дан юқори бўлганлар умумий контингентга нисбатан - камида 30% ни ташкил қилади.

Хорижий ўқитувчиларни ишга қабул қилишда асосий эътибор чет элнинг етакчи олий ўқув юртлари ва жаҳон миқёсидаги илмий-тадқиқот марказларида тажрибага эга бўлган илмий-педагогик ходимларга қаратилади.

4. **Ахборот инфратузилмаси**

Таълим трансформацияси муаммосини ҳал қилишни мақсад қилган замонавий тадқиқот университетнинг мақсадли Стратегик режаси - қўлланиладиган тегишли технологик платформа ва ахборот воситаларини илғор даражагача ривожлантиришни талаб этади. Бундай вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун зарурий элементлар, университетнинг ягона ахборот майдони доирасида таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг замонавий мобил ва юқори даражада ўзаро ишончли рақамли алоқасини таъминлаш масалаларини ҳал қилишга қаратилган очиқ ахборот-коммуникация муҳити (АКМ) "Рақамли университет" концепциясига бирлаштирилади. Концепция учта асосий соҳанинг ўзаро боғлиқлиги ва динамик ривожланишига асосланади:

1. Интеграциялашган ахборот тизимлари ва хизматлари,
2. Маълумотлар маркази (data base);
3. Wi-Fi зоналари асосида корпоратив булутли сақлаш.

Университетнинг интеграллашган ахборот тизимлари ва хизматлари ишлаб чиқилиши профессор-ўқитувчилар, талабалар, магистрлар, талабгорлар, соҳа бўйича ҳамкорлар, таъсисчилар ва давлат органларининг рақамли ўзаро алоқаларининг ҳаракатчанлиги ва даражасини ошириш муаммосини ҳал қилади, шунингдек, мавжуд шахсий ҳисоблар тизими асосида маълумотларни шахсийлаштириш даражасини оширади. Асосийларидан бири сифатида Университетнинг рақамли таълим ресурслари ва электрон кутубхонасини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Корпоратив маълумотлар маркази (data base) асосида булутли сақлашнинг ривожланиши Университетнинг рақамли инфратузилмасини ривожлантириш учун асос сифатида корпоратив маълумотлар марказининг ҳисоблаш қуввати ва сақлаш қобилиятини ошириш муаммоларини ҳал қилади. Шунингдек бу иш жойидан ҳам, ташқи томондан ҳам иш оқими иштирокчиларига рақамли маълумотларга хавфсиз ва умумий киришни, жумладан мобил қурилмалардан киришни таъминлайди. Рақамли виртуал ўқув хоналари ва лабораториялар концепцияси доирасида ўқув жараёни ва илмий фаолият жараёнида фойдаланиш учун ресурсларни яратилади.

Wi-Fi технологияси асосида симсиз кириш зоналарини янада ривожлантириш Университет миқёсида талабаларнинг Интернет ва ахборот хизматларидан фойдаланиши фазовий эркинлигини таъминлайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, 2023 йилда Институтнинг ИТ-инфратузилмаси виртуализация технологияларидан фойдаланган ҳолда корпоратив маълумотларни қайта ишлаш маркази (МҚИМ) асосида ташкил этилади. Бу марказ юқори даражадаги самарадорлик ва уатарга шилламлик тармоқ хизматлари ва дастурларининг

давомийлигини таъминлайди. Шу асосда «СДВМЧБУ»да кенг қамровли ахборот муҳити, жумладан, қуйидаги таркибий бўлинмалар фаолият кўрсатади:

-Университет фаолияти тўғрисида маълумотларни тўплаш ва таҳдидий қайта ишлашни таъминловчи ягона автоматлаштирилган бошқарув тизими.

-Ходимлар ва талабаларнинг шахсий ҳисоблари тизими. Бу тизим шахсий маълумотлар ва хизматларга эга бўлишни таъминлайди.

-Масофавий таълим тизими.

-Талабалар ва докторантларнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш тизими. Корпоратив Портал.

-Илмий лойиҳаларни биргалиқда амалга ошириш учун онлайн платформа. Онлайн конференциялар тизими.

-Электрон ҳужжатларни бошқариш тизими. Электрон кутубхона платформаси.

-Интерактив медиа марказ.

Университетнинг ягона ахборот макони асосий фаолият жараёнлари ва ахборот ресурсларини бирлаштиради: таълим жараёни, илмий-инновацион фаолият, персоналии бошқариш, режалаштириш ва молиявий фаолият, кутубхона ва ахборот муҳити.

5. Иқтисодий ва молиявий модел

«СДВМЧБУ» барқарор университет сифатида ривожланади. 2025 йилга қадар Университетнинг умумлашган бюджети камида 70 миллиард сўмни ташкил этади. Шу билан бирга, Университет бюджети даромадлари қисмининг 30% тадқиқот ва ривожлантириш орқали таъминланади. 2025 йилда қуйидаги молиялаштириш манбаларини шакллантириш орқали бюджетдан ташқари манбалардан тушган тушумлар улушини Университет умумий бюджетининг 14% ига етказиш режалаштирилган:

- Маҳаллий ташкилотлар билан тузилган хўжалик шартномаларининг умумий қиймати 7 миллиард сўм миқдорида;
- Хорижий ва халқаро ташкилотлар ва фондлар буюртмаси асосидаги лойиҳалар ҳажми 700 минг АҚШ доллари;
- Пуллик таълим хизматлари 250 млн сўм;
- Бошқа даромадлар 800 млн сўм;
- Ҳомийлик 100 млн сўм.

Университетнинг иқтисодий модели ресурсларни фундаментал, амалий, инновацион илмий тадқиқотлар, инсон ресурслари, таълим сифати, ижтимоий лойиҳалар ва университет бошқарув тизимини такомиллаштириш тамойилларига асосланади. Инвестиция механизми университет даражасида маблағларни марказлаштириш, бюджетни

дастурлари кўринишида ривожлантириш, шунингдек илмий-педагогик ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш учун иқтисодий рағбатлантириш тизими шакллантирилади.

Университетнинг мослашувчан илмий ва таълим тузулмасининг асосий элементларини ўз-ўзини ривожлантириш марказларига айлантирилади. Улар илмий-инновацион лойиҳаларни амалга оширишда молиявий автономия ва ресурсларни тақсимлашнинг белгиланган ҳуқуқларига, шунингдек магистратура ва докторантура дастурларига эга бўлади.

1.2. Стратегик ташаббуслар

«СДВМЧБУ» нинг ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегик режасини қуйидаги стратегик ташаббуслар (СТ) йўналишиларида мақсадли йўналтирилади:

СТ-1 - "«СДВМЧБУ» моделининг трансформацияси (Университетни анъанавий олий таълим муассасасидан дунё даражасидаги тадқиқот университетига трансформация қилишни таъминлаш)

СТ-2 - "Кадрлар салоҳиятини ривожлантириш"

СТ-3 - "Фан ва инновациялар" (Университетни соҳанинг замонавий илм-фан ва инновациялари маркази сифатида ривожлантириш)

СТ-4 - "Таълим" (Жаҳон иқтисодиётининг трансформацияси шароитидаги янги таълим)

СТ-5 - "Дунё даражасидаги эътироф" ("Университетнинг халқаро академик обрусини (репутациясини) ошириш")

СТ-1 - "СДВМЧБУ" 2022 моделини трансформация қилиш (Трансформация: анъанавийдан дунё даражасидаги тадқиқот университетига)

Мазкур Стратегик ташаббус "СДВМЧБУ"-ни анъанавий, кучли ветеринария, чорвачилик, биотехнология соҳалари мактаблари ва илмий ҳамда олий таълим фаолиятини бошқаришнинг анъанавий тузилмасига эга бўлган анъанавий университетдан иқтисодиётнинг устувор йўналишлари бўйича илм-фан ва технологияларни ривожлантириш ҳамда янги авлод кадрларини тайёрлашнинг устувор йўналишларига қаратилган илғор, дунё даражасидаги университетга айлантиришга қаратилган.

1.1- вазифа "Университетнинг ўқув-услубий ва илмий тузилмасини энг яхши жаҳон амалиётига мос равишда трансформация қилиш"

Университет трансформацияси - Олий таълим муассасасининг вазифаларини оптималлаштириш, бошқарув тизимини модернизация қилиш ҳамда таълим ва илмий-тадқиқотлар фаолияти мазмуни ҳамда тузилмасини трансформация қилишни йўналишига эга

“СДВМЧБУ” ни дунё даражасидаги тадқиқот университет даражасига трансформация қилиш бўйича қабул қилинадиган қарорларни таълим ва илмий йўналишларини ривожланиш тенденциялари, трендлари ва уларнинг башоратлари тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар асосида қабул қилиниши лозим. Бу мақсадда университетда башорат-аналитик тадқиқотлар асосида таълим ва илмий йўналишлардаги ривожланиш устуворликларини шакллантириш тизими ишлаб чиқилади ва жорий этилади.

Мазкур тизимнинг асосий мақсадларига қуйидагилар киритилади:

- Университет учун унинг профили ва интеллектуал салоҳиятига мос янги истиқболли таълим ва илмий йўналишларини аниқлаш ва шакллантириш;

- Университетнинг мавжуд ўқув-услугий ва илмий йўналишларини долзарблигини тасдиқлаш ва уларни ривожлантириш истиқболларини аниқлаш;

Башорат ва таҳлилий тадқиқотлар асосида университетни таълим ва илмий соҳаларида ривожлантириш бўйича устувор йўналишларни шакллантириш тизими қуйидагиларга имконият яратади:

- янги пайдо бўлаётган йўналиш ва бозорлар учун олдиндан кадрлар тайёрлашни амалга ошириш;
- истиқболли илмий йўналишларда долзарб фундаментал ва амалий тадқиқотларни олиб бориш;
- рақамли иқтисодиётнинг юқори технологияли тармоқларида университетнинг инновацион ишланмаларига бўлган талабнинг ортиши;
- университетнинг миллий ва халқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш.

Прогнозлаш ва таҳлилий тадқиқотлар асосида университетнинг таълим ва илмий соҳаларидаги устувор йўналишларини шакллантириш жараёни ташқи муҳитдаги ва янги инновацион технологияларнинг пайдо бўлиши замиридаги муқаррар ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда доимий фаолият кўрсатадиган механизм бўлиб қолади.

Самарали ва барқарор ривожланадиган Интеллект Марказлари университетнинг янги таълим ва илмий тузилмасининг асосий элементларига айланади. Бу эса таълим-тарбиявий ва илмий жараёнларнинг бирлигини ҳамда улар ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлайди. Улар ўз атрофида Интеллектуал салоҳият ва ривожлантириш учун зарур бўлган ресурсларни жампаган ҳолда

университетнинг устувор таълим ва илмий йўналишларини стратегик ривожлантириш ва такомиллаштириш марказларига айланиши керак.

Интеллект Марказларини устувор таълим ва илмий йўналишлари бўйича кучли мотивга эга бўлган персоналнинг ҳал қилувчи ролига таянган “профессионал таълим ва илмий муҳити - университет раҳбарияти” тизимига уйғунлашган ёндашув асосидаги корпоратив бошқарувга асосланган ҳолда ривожлантириш негизида вазифаларни оптимизация қилиш, бошқарувни модернизациялаш ва университетнинг таълим ва илмий тузилмасини трансформация қилиш йўли танланади.

Университет бошқарувининг асосий элементлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ваколатларнинг катта қисмини (шу жумладан тегишли ресурс таъминотини) Интеллектуал марказлар даражасига қадар бериш асосида бошқарув тизимини децентрализация қилиш;
- академик ўз-ўзини бошқариш тизимини шакллантириш;
- натижалар асосида бошқаришни жорий этиш ва бошқарувни стратегик вазифалар ечимига қаратиш;
- ресурсларни университетнинг асосий ривожланиш йўналишлари бўйича йўналтириш;
- университет бўлинмаларининг самарадорлигини мунтазам равишда ташқи экспертизадан ўтказиш тизимини жорий этиш ва умуман рақобатбардошликни ошириш дастурини амалга ошириш;
- кафедралар ва умуман университет бошқарувини профессионаллаштириш;
- ветеринария лаборатория-диагностика ишларини олиб бориш ҳамда ветеринария препаратларини, шу жумладан, ветеринария мақсадлари учун доривор воситалар, озуқа қўшимчалари, биологик препаратлар ва зоогигиеник асбоб-ускуналарни реализация қилиш каби бизнес жараёнларни мунтазам оптималлаштириш тизимини киритиш.

Академик автономия ва натижалар асосида бошқариш стратегиясининг амалга оширилиши университет фаолиятининг асосий йўналишларини жадал ривожланишини таъминлайди, бўлимлар ва кафедралар мустақиллигини оширади ҳамда илмий-педагогик ходимларнинг, шунингдек талабалар, магистрантлар ва иш берувчиларнинг сезиларли қисмини бошқарув жараёнларига жалб этиш имконини беради.

Университетни динамик ривожлантириш, таълим ва илмий фаолиятини ривожлантиришдаги жаҳон тенденцияларини таҳлил қилиш асосида университетнинг жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини ошириш мақсадида мавжуд бўлинмалари негизида Стратегик ривожланиш ва маркетинг бўлими ташкил этилади.

1.2- вазифа «Молия ва ресурсларни бошқариш тизимини модернизациялаш»

1.2- вазифа доирасидаги тадбирларни амалга оширишда университетнинг самарадорлиги ва стратегик ривожланиши кўрсаткичлари тизимига мувофиқ равишда университетдаги асосий бўлинмалар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш тизими ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Университетда "самарали шартномалар" тизими кўрсаткичларини жорий этилиши Стратегик дастур бажарилиши жараёнига ҳар бир ходимни (индикаторларнинг иккинчи даражасига) жалб этиш имконини беради. Бундай кўрсаткичларнинг амалга оширилиши бўлим ва кафедраларнинг рағбатлантирилиши ёки бюджетни таълим йўналишлари бўйича қайта тақсимлаш билан боғлиқлиги керак, яъни бюджетлариштириш принципларини жараёнларни тегишли автоматлаштириш билан боғлиқ бўлиши керак.

Университетнинг автоматлаштирилган молиявий бошқарув тизимини яратиш бўйича ишлар олиб борилади, бу эса дастур мақсадли молиявий- иқтисодий режалаштириш ва бухгалтерия ҳисоби тизими фаолиятини таъминлайди, университет молиявий бошқарувнинг бизнес жараёнларини оптималлаштириш ва автоматлаштиришни таъминлайди.

Университетнинг стратегик режасини амалга ошириш бўйича молиявий- иқтисодий фаолиятни режалаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бўйича молиявий воситаларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида университетнинг молиявий-иқтисодий фаолияти режаларини шакллантириш, тасдиқлаш ва бажариш жараёни оптималлаштирилади.

Университетнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботлари университетнинг молиявий мавқеини акс эттирувчи давлат сектори учун халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тайёрланади, консолидациялашган молиявий ҳисоботлар аудита ўтказилади ва ҳисоботлар университетнинг молиявий ҳисоботларидан

фойдаланувчиларга тақдим этилади.

Келгусида юксак Интеллект Марказлари лойиҳалар ва таълим дастурларини бошқаришнинг мослашувчан тармоқ тузилмаси ва матрица тизимига эга бўлган автоном ва молиявий жиҳатдан мустақил илмий ва таълим муассасаларига айлантирилади. Уларнинг автоном фаолият юриташи учун ташкилий модел ва меъёрий-методик базани ("СДВМЧБУ" нинг Интеллект Марказлари тўғрисидаги Низом", "Интеллект марказларига қўйиладиган талаблар ва уларни ривожлантириш дастурлари", "Комплекс фанлараро лойиҳа раҳбарини тайинлаш тартиби, унинг ваколатлари ва иш тавсифи", "Таълим дастурининг илмий раҳбарини тайинлаш тартиби, унинг ваколатлари ва иш тавсифи", "Интеллект Марказлари иши самарадорлиги кўрсаткичларини ишлаб чиқиш бўйича услубий тавсиялар", "Интеллект Марказларида бажарилаётган лойиҳаларга талабалар ва докторантларни жалб қилиш тартиби") ишлаб чиқиш зарур.

СТ-2 - "СДВМЧВУ" да кадрлар салоҳиятини ривожлантириш

Мазкур Стратегик ташаббус университетнинг глобал бозордаги рақобатбардошлигини таъминлайдиган асосий ресурслардан бири сифатида университетда юқори малакали кадрларни шакллантириш ва истиқболини таъминлашга йўналтирилган.

2.1 вазифа "Ходимларни Халқаро миқёсда ишга қабул қилишнинг университет тизимини яратиш"

2026 йилгача "СДВМЧВУ" ни халқаро талаблар даражасидаги университетга айлантириш вазифасини бажариш учун "Етакчи мутахассислар" дастури амалга оширилади. Бунда университетга илмий кўрсаткичлари юқори (Хирш индекси 5 ва ундан юқори) бўлган чет эллик ва Ўзбекистонлик олимларни таклиф этиш ва жалб қилиш халқаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилади.

Бунинг учун университетда 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб Халқаро ҳамкорлик марказлари асосида ишга қабул қилиш хизмати яратилади. Ҳамкорлик марказларининг ҳар бири учун узоқ муддатли шартномалар асосида камида 2 нафардан ТОП-1000 таликка кирувчи ва нуфузли олий ўқув юртлари ва илмий марказларининг тажрибали, таниқли ва машҳур олимлари ишга таклиф этилади. Мазкур вазифани амалга оширишда етакчи ички ва халқаро даражадаги стратегик

юртларининг бошқарув ходимларини ишга қабул қилишда асосий эътиборни уларнинг таълим, илмий-тадқиқот, кафедралар ва илмий бўлимларга раҳбарлик қилиш тажрибаларига қаратилади. Ҳамкорлик марказларига ишга қабул қилиш хизматининг устувор йўналишларидан бири ёш олимлар ва ўқитувчиларни жалб этишга қаратилган "Ёш мутахассислар" дастури доирасида университет ходимларининг янги авлодини шакллантириш ҳисобланади. Ушбу вазифа, биринчи навбатда, иш тажрибасига эга ёш олимлар ва профессор-ўқитувчиларни мақсадли ишга қабул қилиш, иккинчидан, махсус мақсадли тренинглар, шу жумладан чет эл стажировкаларини ташкил этиш, магистратура ва докторантуранинг иқтидорли битирувчиларини университетга олиб қолиш орқали ҳал этилади. Иқтидорли ёшларни мониторинг қилиш, жалб этиш ва самарали танлаш мақсадида ташаббускор лойиҳаларининг очиқ танлови ташкил этилади. Унда Ўзбекистон ва хорижий университетлар ҳамда илмий-тадқиқот марказларининг жамоалари ва алоҳида ёш олимлари иштирок этиш имкониятига эга бўладилар.

Ёш илмий-педагогик ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириб, белгиланган ёшга етган бўлинмалар бошлиқларини босқичма-босқич алмаштириш бўйича режа ишлаб чиқилади. Бунинг учун университетнинг карьера бошқаруви тизимининг имкониятларидан (бўлим, кафедралар, факультетлар даражаси) фойдаланилади.

2.1- вазифа "Университетнинг инсон капиталини ривожлантириш"

2022-2026 йилларда магистратура ва таянч докторантурани тамомлаб, диссертация ишларини муваффақиятли ҳимоя қилишган битирувчилар орасидан университет кадрлар заҳирасини яратиш дастури амалга оширилади. Турли даражадаги бўлинмалар (уларнинг жорий босқичдаги муҳимлиги эътиборга олган ҳолда) раҳбарлари ва илмий-педагогик ходимлари учун, уларнинг иш самарадорлигини рейтинг кўрсаткичлари асосида амалдаги "самарали шартномалар" (иш ҳақиға устамалар белгилаш) тизими такомиллаштирилади. Фаолиятда янги замонавий технологиялар, хориж тилларини ўзлаштириш даражаси ва ёндашувларни жорий этиш натижаларини акс эттирувчи ижро кўрсаткичларига устуворлик берилади.

Университетнинг ягона ахборот-таҳлилий тизимида иш

унумдорлиги кўрсаткичларини қайд этиш тизими жорий этилади. Бу эса ўз навбатида ҳар бир ходимнинг фаолияти самарадорлигини индивидуал ошиб боришини мониторингини ҳисобга олиш имконини беради. Университет инсон капиталини ривожлантириши фан таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминланиши ва жаҳон иқтисодиёти билан ҳамкорлик соҳасидаги рақобатбардошлиги кўрсаткичлари ҳамда ўсиш самарадорлигини оширишнинг маркетинг стратегияси бугунги дунё миқёсидаги мураккаблик ва муаммоларни ҳал қилишда етакчи хорижий университетлар, илмий ҳамда юқори технологик ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва интеграцияга эга бўлишни ўз ичига олади.

Университетнинг илмий, педагогик ва бошқарув ходимларининг халқаро мобиллик имкониятларини ривожлантириш, дунёнинг етакчи компаниялари, Америка, Европа ва Осиёнинг етакчи университетлари билан ҳозирда мавжуд бўлган ва режалаштирилган ҳамкорлик шартномалари асосида, шунингдек, университет илмий-педагогик ходимларининг етакчи халқаро илмий анжуманларда (конференциялар, симпозиумлар ва ҳ.к.) иштирокини қўллаб-қувватлаш йўли билан амалга оширилади. Хорижий мамлакатлардаги ҳамкор олий ўқув юртлари билан биргаликда магистрант ва докторантларни биргаликда тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Докторантлар ўртасида ўзаро алмашинув дастурларини ривожлантириш 2030 йилга қадар PhD илмий даражасига эга бўлган ёш илмий-педагогик ходимлардан иборат сифатли кадрлар захирасини шакллантириш имконини беради.

Кадрларнинг инглиз тилини билиш даражасини оширишдаги муаммосини муваффақиятли ҳал этиш, умумқасбий ва махсус фанларни инглиз тилида ўқитишни ривожлантириш учун университетда инглиз тилида сўзлашувчи муҳитини шакллантириш механизмлари такомиллаштирилади. 2030 йилга бориб университетда илмий-педагогик ва маъмурий ходимларнинг камида 20 фоизи бизнес ва профессионал даражада инглиз тилида сўзлашишига эришилади.

Ходимларнинг компетенцияларини доимий равишда ривожлантириш университет кадрлар сиёсатининг энг муҳим таркибий қисми бўлади. Бу эса ўз навбатида ходимларининг юқори малакали ва рақобатбардошлигини таъминлайди. Илмий-педагогик ва маъмурий персоналнинг кадрлар салоҳиятини ривожлантириш, касбий тажриба

тадқиқот ташкилотларида ўқув ва амалиётлар ўтказиш тизимини ривожлантириш орқали амалга оширилади.

Университетда бошқарув бўғини ходимларининг малакасини изчил ошириб бориш дастури ҳам давом эттирилади. Дастур доирасида факултетлар деканлари ва проректорлар ўз малакаларини оширадilar. Бунинг учун уларнинг хорижий етакчи олий ўқув юртларида стажировка ўташлари, замонавий менежмент амалиёти муаИМолари бўйича ташқи етакчи мутахассисларни таклиф этган ҳолда ички малака ошириш курслари ташкил этилади. Университетнинг кафедра ва бўлим бошлиқлари учун "Менежментнинг энг яхши усуллари" дастури доирасида тренинглар ташкил этилади.

СТ- 3 "Фан ва инновациялар" (Институтни замонавий фан ва инновациялар маркази сифатида ривожлантириш).

Мазкур стратегик ташаббус университет дунёда етакчилик мавқеларига чиқа оладиган йўналишларда, жумладан бугун дунё ва миллий даражаларда устувор бўлган илмий йўналишлар ва ресурсларни университетда жамлашни янада ривожлантириш мақсадларига йўналтирилган.

3.1 - вазифа. «Университетнинг интеллектуал салоҳиятини ва рақобатбардошлилигини ошириш учун асос бўлган юксак маънавият

марказларини ривожлантириш»

Стратегик режанинг биринчи босқичида (ўрта муддат 2022-2026 йй) университетда амалга ошириладиган илмий тадқиқот ишларининг асосий мавзулари аҳоли, атроф-муҳит ва техник объектларнинг барқорорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган, дунё ва минтақа миқёсидаги муаИМоларини илмий ечимларига йўналтирилади. Университетда ташкил этилган илмий марказлари янада ривожлантирилади. Университетда яратилган ва самарали фаолият юритаётган илмий марказлари университетнинг стратегик академик бирликлари бўлиб хизмат қилади.

Университетда янги илмий-тадқиқот лабораториялари ва полигонларини яратиш, мавжудларини ривожлантириш, шунингдек илғор илмий кўрсаткичли ва ёки юқори даражада технологик жиҳозланган ташкилотлар билан ҳамкорлик асосида университетга етакчи илмий ходимларни жалб қилишлари давом эттирилади.

Университет ва ҳамкор ташкилотларнинг ишлаб чиқаришдаги ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш натижасида ҳар йили камида 100 дан ортиқ хўжалик шартномаларини тузиш илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажмини 2 миллиард сўмга ошириб бориш имконини беради.

Умуман олганда, ҳамкорлик доирасида ҳар йили камида 2 та йирик фанлараро лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, улар юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқишдан ташқари интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш учун аризалар топшириш, қўшма мақолалар чоп этиш, конференция ва кўрғазмаларда иштирок этиш фаолияти жадаллаштирилади.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлар билан бирга фаолият кўрсатиладиган қўшма марказлар университетнинг янгиланган инновацион экотизимининг асосий қисмига айланади ва камида 3 та кичик лойиҳани қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишни таъминлайди.

Кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантиришда асосий вазифа - интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш ва университетни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланган ёшларнинг инновацион фаоллигини қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс дастурни амалга ошириш ҳисобланади. Ёшларнинг инновацион тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ёш олимлар, докторантлар ва талабаларнинг инновацион лойиҳалари бўйича мусобақалар тизими орқали амалга оширилади, Илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш маркази томонидан тизимли равишда ўқув ва консалтинг тадбирларини ташкил этиб борилади.

3.2- вазифа “Университетда нашр этиш фаоллиги ва нашрлар сифатини ошириш”

Ушбу вазифанинг амалга оширилиши университетда нашр этиладиган ўқув –услубий ва илмий ишларнинг умумий сони ва сифатини оширишга, янги авлод ўқув адабиётларини яратишга ҳамда юқори рейтингли журналларда мақолалар чоп этишни рағбатлантиришга, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда нашрлар сонини кўпайтиришга ва муаллифларнинг ўзи ўзининг ишларига иқтибос келтириш даражасини пасайтиришга қаратилган бўлиб, улар умумлашган ҳолда университетнинг нашр кўрсаткичларининг ўсишини таъминлайди.

Ходимларнинг илмий фаолиятдаги ўз натижаларини эълон қилишга бўлган мотивациясини ошириш учун нашр этиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш режалаштирилган. Жумладан бу фаолиятда ёш тадқиқотчилар, талабалар ва докторантларнинг максимал ва кенг қамровли иштироки кўзда тутилади. Университет профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари ва талабаларининг нашр этиш фаоллигини ошириш механизмларидан бири, уларнинг нашр этишдаги юқори кўрсаткичлари учун моддий рағбатлантиришдир. Бу мақсадда университетда ҳар йили нашр этиш фаолиятини рағбатлантирувчи индивидуал устамалар белгилаш дастури амалга оширилади.

Шунингдек, университетда чоп этилаётган ишларнинг жиддий тақриздан ўтказиш ва расмийлаштиришни яхшилаш асосида уларнинг сифатини ошириш, университет иштирокида ўтказиладиган илмий конференциялар тўпламларини, Университетнинг Ветеринария медицинаси бюллетени, ҳамда Ветеринария медицинаси журналининг Web Of Science ва Scopus маълумотлар базасига киритиш режалаштирилади.

Университетда нашр этиш Нашриёт маркази ташкил этилади. Бу марказнинг асосий вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- муаллифлик гуруҳларига юқори сифатли мақолаларни тайёрлашда ёрдам бериш;
- муаллифларга юқори савияга эга бўлган журналларни танлаш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш;
- нуфузли журналлар талаблари асосида мақолалар матнини таҳрирлаш ва чет тилига таржима қилишда ёрдам бериш;
- университетда етакчи мутахассислар ва нашриётлар вакиллари иштирокида юқори рейтингли журналларда чоп этиш учун мақолалар тайёрлаш бўйича мастер-класслар ва семинар тренинглар ўтказиб бориш;
- университет ходимлари ва талабаларининг миллий ва хорижий ахборот ресурслари, шу жумладан Web Of Science ва Scopus маълумотлар базаларига лицензияли киришларини таъминлаш.

СТ-4. "Таълим" (Жаҳон иқтисодийнинг трансформацияси шароитида янги таълим)

Мазкур Стратегик ташаббус - кучли фундаментал тайёрлаш

таъминлаш, янги таълим технологияларини кенг жорий этиш ҳамда таълим жараёни ва илмий-тадқиқот ишларини интеграциясини кучайтириш ҳисобига янги шароитларда ишлашга қодир бўлган мутахассисларни тайёрлаш ва ривожлантириш бўйича университетни дунёда етакчи ўринларига чиқишига эришишга йўналтирилган.

4.1-вазифа “Кадрлар тайёрлаш бўйича илғор касбий стандартлари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва апробация қилиш”

Мазкур вазифа доирасидаги тадбирлар иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг рақамли трансформацияси талаблари ва долзарб муаммоларига мослашиш нуқтаи назарида илғор таълим дастурлари мазмуни ва технологияларини тубдан қайта кўриб чиқишга қаратилган. Асосий таълим дастурларининг рақобатбардошлиги ва долзарблиги уларнинг фундаменталлиги, амалиётга йўналтирилганлиги ва фанлараро ёндашувга асосланганлиги билан таъминланади. Шу билан бирга, бу босқичда ҳал қилиниши лозим бўлган мураккаб муаммолардан бири ветеринария, чорвачилик, биотехнология, агротехнология ва агроиқтисодиёт соҳасида кадрларни тайёрлашда таълим дастурларининг фундаментал ва амалиётга йўналтирилган таркибий қисмларининг оптимал нисбатини топишдир.

Асосий иш берувчиларнинг фикрига кўра, ҳозирги даврдаги инновацион технологиялар шароитида малакали фундаментал касбий тайёргарликка эга бўлган битирувчиларнинг соҳага қизиқиши, юқори қобилиятини белгилайди. Бунинг натижасида, кадрнинг карьерасида ўсиш ва унга меҳнат бозорида бўлган талабни ўсишини таъминлаш имконияти пайдо бўлади.

Университетда ўқишга талабгор- энг яхши абитуриентлар, интилувчан ва иқтидорли мактаб ўқувчиларини жалб этиш ва танлаш дастури давом эттирилади.

Мактаб ўқувчиларида келгусида касб танлашга онгли равишда ёндашишни ривожлантириш учун университетга бириктирилган мактаб, академик лицей ва техникумлар негизида фанлараро лабораторияларни ташкил этиш давом эттирилади. Корхоналар манфаатлари йўлида таълимни “Мактаб –техникум -университет – ишлаб чиқариш” занжирида тармоқ форматида ривожланиши қўллаб-қувватланади. Энг иқтидорли ва интилувчан ўқувчи ёшлардан ишлаб

чиқариш учун истиқболли кадрлар захирасини тайёрлаш мақсадида талабаларни мақсадли ўқитиш, уларнинг стажировка ўташи ва ишга жойлаштириши бўйича Давлат қўмитаси тизими, тегишли вазирликлар ва агентликларнинг иш берувчилари жалб этилади.

Кадрлар тайёрлаш бўйича экспериментал таълим стандартларини ишлаб чиқиш - устувор тармоқларга бўлган эҳтиёжга мос равишда илғор таълим мазмуни ва технологияларини трансформацияси муайян тизимли методологик ечими ҳисобланади. Уларнинг ривожланиши ва апробация қилишда асосий иш берувчилар ва компаниялар - иқтисодиётнинг устувор ихтисослашган тармоқлари етакчилари билан ҳамкорлик амалга оширилади. Янги таълим стандартларини амалга ошириш тармоқ форматига йўналтирилиб, бунда ихтисослаштирилган иш берувчилар иштироки асосий шартлардан бири сифатида белгиланади. Бундай ўқув дастурлари университетни меҳнат бозорининг интенсив ривожланаётган профил сегментлари талабларига мослашишини таъминлайди. 2026-йилга бориб, университетда 10 га яқин етакчи хорижий ва миллий университетлар ва ёки етакчи илмий ташкилотлар билан ҳамкорликдаги асосий ва қўшма таълим дастурлари амалга оширилади.

Докторантурага ўтишни эътиборга олиб тузилган магистратура босқичидаги мослашувчан дастурларни яратилиши ёш илмий-педагогик ходимларни тайёрлашнинг самарали усули бўлади.

Университет Ўзбекистонда профессионал кадрлар тайёрлаш миллий тизимини ривожлантиришнинг фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Университет қуйидаги фаолиятларда иштирок этади:

- соҳанинг касбий стандартларини эксперт баҳолаш ва янгилаш бўйича таклифларни тайёрлаш;
- соҳанинг касбий стандартлари ва касбий малака тоифалари тўпламларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- соҳага оид сиёсатга мувофиқ касбий стандартлари ва дастурларини экспертизадан ўтказиш;
- таълим дастурларини касбий ва оИМавий аккредитациядан ўтказишда иштирок этиш.

Ривожланишнинг кейинги босқичи режаларига аънавий равишда университетнинг кучли томонлари билан боғлиқ бўлган бошқа сегментларни (Ветеринария, чорвачилик, биотехнология ва бошқалар) ривожлантириш иштироки. Бу ҳақда буйича таълим сифатини

шакллантириш ва университетда малакали кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида замонавий корхона ва компанияларнинг ёш мутахассисларига қўйиладиган талаблар ортиб бориши билан, тегишли касбий стандартлар билан белгиланган компетенцияларни олишга қаратилган таълим дастурларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга. Университетнинг стратегик шериклари буюртмалари асосида қўшимча касбий тайёргарлик дастурлари ишлаб чиқилади ва уларнинг ходимларини касбий малакасини ошириш ишлари амалга оширилади.

Стратегик режа асосида дунё рейтингида юқори ўринларни эгаллаган етакчи хорижий университетлар (Миннесота университети, Порто университети, Пиза университети, Қозоғистон Давлат Аграр университети, Жангирхан агро технология университети, Латвия ҳаёт фанлари ва технологиялар университети, Витебск Давлат ветеринария медицинаси академияси, Гродно давлат аграр университети ва бошқалар) билан қўшма таълим дастурлари тўғрисидаги шартномаларга киритилган магистрлар ва фалсафа докторларини тайёрлаш дастурлари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Бундай дастурлар бўйича ўқишни тугатгандан сўнг, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини диссертациялар ҳимоялари ўтказилиши режалаштирилади.

4.2 -вазифа. «Электрон таълимни ривожлантириш»

Университетда таълим моделига ўтиш жараёни электрон таълим муҳитини жадал ривожлантиришни талаб этади. Маъруза материалларини ўз оИМавий ахборот воситалари кутубхоналарига бепул жойлаштириш амалиёти масофавий таълим технологияларидан фаол фойдаланадиган, очиклик ва рақобатбардошликка эътибор қаратадиган университетлар орасида кенг тарқалган. "СДВМЧБУ" ҳам ушбу воситадан фойдаланган ҳолда, ўқитувчига шахсий компютеридан видео тарқатиш имкониятини берувчи платформалараро дастур ва видео маъруза билан ўзаро алоқада бўлганда алоҳида таълим траекторияларини қуриш учун сунъий нейрон тармоқларни жорий этиш асосида ўз имкониятларини кенгайтиради.

СТ - 5. "Дунё даражасидаги эътироф" ("Университетнинг дунё рейтингини ошириш")

Ушбу Стратегик ташаббус жаҳон эътирофига сазовор бўлиш мақсадида университетни глобал таълим ва илмий маконда самарали тарғиб қилишга қаратилган. Ушбу Стратегик ташаббус доирасидаги вазифалар бошқа Стратегик ташаббуслар доирасидаги вазифалар билан бирга амалга оширилиши университетнинг халқаро рейтингини ошириш, дунё даражасидаги иш берувчилар - дунёнинг етакчи компания ва ташкилотлари олдидаги обрўсини ошириш асосида уни дунё рейтингида муносиб ўринни эгаллашни таъминлашга хизмат қилади.

5.1-вазифа “Университетни глобал илмий-ўқув майдонида ривожлантириш”

Университетни рейтингларда юқорилашишини таъминлашнинг асоси - юқори илмий натижаларга эришиш ва биринчи навбатда, жаҳон бозорида талаб катта бўлган истиқболли йўналишлар бўйича ветеринария, чорвачилик ва биотехнологиялари соҳасида кадрларни тайёрлашдаги муваффақиятлари ҳисобланади. Бугун “СДВМЧБУ” “ Ветеринария медицинасида инфекцион ва инвазион касалликларнинг профилактикаси”, “Инфекцион касалликларнинг диагностикаси”, “Бройлер жўжаларин ўстириш технологиялари”, “Уруғидан қийин кўпаядиган ўсимликларни замонавий In-vitro усулда кўпайтириш” каби қатор йўналишлардаги илғор дастурлари етакчи ҳисобланади. Университетнинг глобал миқёсда тарғиб қилиниши дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи университетлар, илмий ташкилотлар, компаниялар ва уюшмалар билан илмий ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликнинг юқори натижалари билан ҳам таъминланиши мумкин. Бугун университетнинг халқаро майдондаги узоқ хориж мамлакатларидаги ҳамкор ташкилотлари рўйхатига Европа минтақасидан Германия, Италия, Франция ва бошқа мамлакатлардаги, Америка минтақасида, жумладан АҚШ ва Осиё минтақасида, жумладан Хитой, Жанубий Корея, Япония, Хиндистон каби мамлакатлардаги етакчи университетлар ва тадқиқот марказлари киради.

Шунингдек университетда МДХ ва Марказий Осиё минтақасидаги яқин қўшни мамлакатлардаги илғор илмий ва олий таълим муассасалари билан олиб борилаётган ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Ушбу фаолият блокига кирувчи тадбирларини амалга ошириш ҳисобига университетда турли мамлакатлардан келувчи хорижий талабалар ҳамда қўшма дастурлар сони ортиши таъминланади. Университетда инглиз тилида ўқитиладиган фанлар сони оширилади ва улар қўшма дастурлар ҳисобига қўллаб қувватланади. Дунёнинг етакчи университетларидан таклиф этилган олимлари сони оширилади.

Глобал илмий маконда университетни тарғиб қилишнинг асосий механизми университетнинг халқаро илмий конференция ва кўргазмаларда иштирок этиш фаолиятини ривожлантириш бўлади. Бунда:

- университетнинг базасида халқаро конференциялар, форумлар, семинарлар ва кўргазмалар ўтказиш;
- университет талабалари ва ходимларининг халқаро конференциялар, форумлар, семинарлар ва кўргазмаларда иштирок этишлари масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Университет иштирокида ҳар йили 20 га яқин турли даражадаги тадбирлар - семинарлар, конференциялар, форумлар ўтказиш режалаштирилган бўлиб, уларнинг ярмидан кўпи халқаро мақомга эга бўлади. Ташкил этилган тадбирлардан аксариятининг материаллари Scopus маълумотлар базасига кирган нашрларда чоп этилади. Ишчи тили инглиз тили бўлган илмий-анжуманлар сони оширилади. Университет ходимлари ва талабаларининг халқаро конгресс тадбирларида фаол иштирок этиши университетнинг хорижий ҳамкорлар билан илмий алоқаларини ўрнатиш ва янада ривожлантиришга хизмат қилади.

5.1- вазифа “Университет брендининг ижобий қиёфасини шакллантириш ва оИМалаштириш”

СДВМЧБУ келгуси давр учун дунёнинг етакчи рейтинг агентликлари (QS ва THE) экспертлари билан ҳамкорликда университетнинг илмий-тадқиқот, репутацион ва бошқа кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида уни глобал танилувчанлигини ошириш ҳаракат дастурини ишлаб чиқади ва амалга оширади. Университетни танилувчанлигини ошириш ва халқаро миқёсда эътироф этилиши кўрсаткичлари, шу жумладан веб-сайтларда ва тегишли рейтинг агентликларининг даврий ахборотларида

университетнинг илғор профилларини яратишни тақозо этади.

Ушбу вазифанинг бажарилиши Университетда яратиладиган махсус бўлима - “Халқаро ҳамкорлик бўлими” томонидан ишлаб чиқилган тадқиқот ва ривожлантириш режалари асосида амалга оширилади. 2026 йилга қадар амалга ошириладиган изчил чоратadbирлар “СДВМЧБУ” брендининг халқаро оИМавий ахборот воситаларида “Ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар масалалари бўйича муҳим эксперт-аналитик марказ” сифатида пайдо бўлишини таъминлайди.

Университетнинг танланган йўналишлардаги муваффақиятларини кенг эълон қилишга қаратилган, режалаштирилган тарғибот тадбирлари - университет бренди билан таниш бўлган ва унинг рақобатбардошлиги ва жозибадорлигини юқори баҳолайдиган ташқи мақсадли аудитория сегментини сезиларли даражада оширади.

Университетнинг Интернет маконида кўринишини сезиларли даражада ошириш режалаштирилган. Шу мақсадда университетнинг расмий веб-сайти такомиллаштирилади, тақдим этилган маълумотлар, шу жумладан янгиликлар маълумотлари кенгайтирилади. Университетни ижтимоий тармоқларда, шунингдек университет профилидаги ихтисослашган махсус Интернет ресурсларида тарғиб қилишга янги куч берилади. Ички ахборот тизимлари билан чуқур интеграциялашув асосида университетнинг расмий веб-сайтида чоп этиладиган саҳифалар ва хужжатлар ҳажми кўпаяди. Шунингдек, университет брендининг глобал ахборот маконида ижобий қиёфасини шакллантириш ва оИМалаштириш учун зарур бўлган янги оИМавий ахборот ресурслари яратилади.

Университет бренди остида унинг стратегик илмий йўналишлари бўйича номли стипендиялар ва грантлар бўйича мунтазам танловлар ташкил этилади ва ўз навбатида Интернет маконида тарғиб қилинади.

Дунёнинг махсус онлайн платформаларида масофавий курсларнинг намоишини кенгайтириш Университетнинг Интернет аудиториясини кенгайтиради, бу эса бренд танилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Университетнинг турли профилдаги республика ва хорижий оИМавий ахборот воситалари билан ўзаро алоқасини кучайтириш, уларда университет ҳақида нашрлар сонини кўпайтириш, шунингдек, университетнинг ижобий қиёфасини шакллантиришга хисса қўшадиган

илмий ютуқларни оИМалаштиришга йўналтирилган адабиётларни нашр этиш режалаштирилган.

Университетнинг турли халқаро ташкилотлар, ассоциациялар, кенгашлар, халқаро илмий журналларда таҳририят кенгашларидаги иштирокини кенгаштириш унинг танилиши даражасини оширишга хизмат қилади.

Университетда талабалар, битирувчилар ва уларнинг миллий ва чет элдаги ассоциациялари билан фаол ҳамкорлик қилиш учун махсус платформани яратиш мақсадида университет ахборот-ресурс маркази негизида кўп функцияли “информацион илмий ва таълим маркази”ни яратиш режалаштирилган. Марказнинг асосий мақсади янги авлод талабаларига янги, қулай форматда электрон кутубхоналар ва бошқа ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашдан иборат бўлади. Марказ асосида талабалар ва битирувчиларнинг қизиқишини ошириш, янгиларини жалб этиш ҳамда стратегик шериклар ва ассоциациялар билан алоқаларни кенгайтириш, ўтган йиллардаги битирувчиларни иш билан таъминлаш тизимини ривожлантириш буйича тадбирлар ўтказилади.

Мазкур фаолиятнинг натижаси куйидагилардан иборат бўлади:

- Университетнинг имиджини яхшилаш;
- стратегик ҳамкорлар орасидаги обрўсини ошириш;
- илмий ва ўқув-услубий соҳада қўшма лойиҳалар сонини кўпайтириш;
- ишлаб чиқариш учун мутахассисларни танлаш буйича хизматларни тижоратлаштириш.

ИНДИКАТОРЛАР

| № | Кўрсаткич номи | Кўрсаткич номи | Амалдаги кўрсаткич | 2022 йил | 2023 йил | 2024 йил | 2025 йил | 2030 йил |
|---|--|---|--------------------|----------|----------|----------|----------|----------|
| I. Университетнинг халқаро миқёсда танилиши ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш | | | | | | | | |
| | Scopus ва Web of Science халқаро илмий-техника маълумотлар базаларида индексланувчи журналларда нашр этилган мақолаларнинг профессор-ўқитувчилар сонига нисбати | коэффициент | 0,33 | 0,9 | 1,5 | 1,8 | 2,2 | 3,0 |
| | Scopus ва Web of Science халқаро илмий-техника маълумотлар базаларида Q1 ва Q2 квартал журналларда чоп этилган мақолалар | фоизда (жами мақолалар сонига нисбатан) | 31 | 33 | 35 | 41 | 53 | 65 |
| | Scopus ва Web of Science халқаро илмий-техника маълумотлар базаларида индексланувчи журналларда хорижий профессор-ўқитувчилар билан ҳаймуаллифликда нашр этилган мақолалар | фоизда (жами мақолалар сонига нисбатан) | - | 3 | 5 | 7 | 9 | 15 |
| | «Хирш» индекси (h-индекс) кўрсаткичи 5 ва ундан юқори бўлган профессор-ўқитувчилар улуши | фоизда (жами профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан) | - | 2 | 3 | 4 | 5 | 8 |
| | Халқаро рейтингда биринчи 1 000 талик рўйхатга кирувчи | нафар | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 9 |

| | | | | | | | | | | | | | |
|--|---|-----|-----|-----|-----|-----|-----|--|--|--|--|--|--|
| олий таълим муассасаларида илмий даража (PhD, DSc) олган профессор-ўқитувчилар | | | | | | | | | | | | | |
| Уқув жараёнига жалб қилинган хорижий профессор- ўқитувчилар | нафар | 9 | 12 | 15 | 18 | 21 | 30 | | | | | | |
| Хорижий талабалар улуши | фоизда (жами талабалар сонига нисбатан) | 0,1 | 0,5 | 1,4 | 2,1 | 3,7 | 5,0 | | | | | | |
| Хорижий олий таълим муассасалари билан академик алмашув дастурларида университет талабаларининг иштироки | нафар | 24 | 40 | 60 | 80 | 100 | 120 | | | | | | |
| Халқаро лойиҳалар | лойиҳалар сони | 2 | 4 | 4 | 5 | 7 | 10 | | | | | | |

II. Юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш

| | | | | | | | | | | | | | |
|--|--|-----|----|----|----|----|-----|--|--|--|--|--|--|
| Хорижда малака оширган ёки стажировка утаган профессор-ўқитувчилар ва раҳбар кадрлар | нафар | 15 | 25 | 40 | 60 | 80 | 100 | | | | | | |
| Чет тилини билиш даражасини баҳолаш бўйича миллий ёки IELTS, TOEFL, CEFR ва бошқа хорижий сертификатларга эга профессор-ўқитувчилар | фоизда (жами профессор- ўқитувчилар сонига нисбатан) | 4,5 | 7 | 9 | 11 | 15 | 20 | | | | | | |
| Чет тилини билиш даражасини баҳолаш бўйича миллий ёки IELTS, TOEFL, CEFR ва бошқа хорижий сертификатларга эга талабалар | фоизда (жами талабалар сонига нисбатан) | 0,5 | 1 | 6 | 12 | 15 | 20 | | | | | | |
| Мутахассислик фанлари | фоизда | 6,6 | 9 | 12 | 14 | 25 | 40 | | | | | | |

| бўйича хорижий тилларда ўқитиладиган фанлар | (жами мутахассислик фанлар сонига нисбатан) | | | | | | | | |
|--|---|------|------|------|------|-------|-------|--|--|
| III. Илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш | | | | | | | | | |
| 4. | Илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар | 36,1 | 40 | 45 | 50 | 60 | 80 | | |
| 5. | Олий малакали илмий педагогик кадрларни тайёрлаш кўрсаткичи (PhD, DSc) | 15 | 40 | 45 | 50 | 55 | 65 | | |
| 6. | Илмий-тадқиқот дастурлари (шу жумладан халқаро) доирасида жалб этиладиган маблағлар | 3,03 | 5,0 | 6,0 | 7,0 | 9,0 | 12,0 | | |
| 7. | Хўжалик шартномалари ҳисобига жалб этиладиган бюджетдан ташқари маблағлар | 12,5 | 20,0 | 34,0 | 50,0 | 100,0 | 120,0 | | |
| 8. | Республика илмий журналларида чоп этилган мақолалар | 130 | 300 | 350 | 500 | 1000 | 1200 | | |
| 9. | Республика ва халқаро миқёсда ўтказиладиган илмий конференциялар | 5 | 18 | 20 | 23 | 26 | 35 | | |
| Талаба-ёшлар таълими учун қўшимча шароитлар яратиш, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш | | | | | | | | | |
| 10. | Талабаларнинг илмий мақола, китоб ва ижод намуналарини нашр этиш | 66 | 100 | 140 | 160 | 200 | 300 | | |

| | | | | | | | | |
|----|--|--------|----|----|----|----|-----|-----|
| 1. | Профессор-ўқитувчилар ва ходимлар орасида спорт билан шуғулланувчиларнинг улуши | фоизда | 52 | 60 | 70 | 80 | 90 | 100 |
| 2. | Талаба-ёшлар орасида спорт билан шуғулланувчиларнинг улуши | фоизда | 67 | 70 | 80 | 90 | 100 | 100 |
| 3. | Институт талабаларининг «Йил талабаси», «5 та мухим ташаббус» ва бошқа йўналишлардаги танловларда иштироки | фоизда | 60 | 63 | 71 | 75 | 82 | 90 |